O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 21 МАРТ, СЕШАНБА | № 12 (164) | Сотувда эркин нархда

Наврўз - табиатга ва ерга меҳр-муҳаббатнинг уйғониши; Наврўз - раҳм-шафқат, табиатни асрашга даъват, ўтганларни хотирлаш, биринчи пушта; биринчи экин, дон, сув, майса, «Лола сайли». Улуғ бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек, халқимизнинг ҳар бир куни Наврўздай нурафшон бўлсин.

Ҳар тунинг қадр ўлубон,
ҳар кунинг ўлсин Наврўз! -

деб лутф этадилар улуғ шоир. Яъни йилнинг ҳар бир кечаси «Лайлатул қадр» - хайрли, қадрли тун бўлса, ҳар бир кун саодатли, янги бахт, иқбол куни бўлсин. Бобокалонимиз беш ярим аср наридан бизга бахт ва шодлик тилаб турибдилар:

Ки бу сур эрур оламафруз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ-БОШ ВАЗИФА

Адлия вазирлигида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг раҳбар ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия ва суд идоралари раҳбарлари, Тошкент давлат юридик институти, Республика ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази, Юристлар малакасини ошириш Маркази, Х.Сулаймонова номидаги илмий-тадқиқот криминалистика Маркази, Судьялар Ассоциацияси, Адвокатлар уюшмаси мутасаддилари, илмий ва ўқув жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири **А.Полвонзода** кириш сўзи билан очаркан, мазкур йиғиннинг асосий мақсади Олий Мажлиснинг охирги сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакат Президенти томонидан қўйилган вазифаларга алоҳида тўхталди ва **«Республика адлия ва суд идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалари тўғрисида»** маъруза қилди.

Таъкидландики, республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тўсиқ бўлаётган ҳолатлардан бири - давлат идоралари, ҳокимиятлар, назоратни амалга оширувчи идоралар ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари, ўрта ва кичик бизнес, хусусий мулк эгалари фаолиятига ноқонуний аралашуви, асоссиз ва кўп сонли текширувлар, турли ноқонуний, бюрократик расмиятчиликлардир. Уларни рўйхатга олиш жараёнидан бошлаб турли идораларда тўрачилик иллатлари мавжуд. Бунда тадбиркорлардан қонунда белгиланмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилишдан тортиб, ноихтиёрий равишда турли жамғармалар, тадбирлар учун маблағ ажратишгача шартлар қўйиш ҳоллари учрамоқда. Банкларда ҳисоб рақами очиш, кредит олиш ва ўз маблағидан эркин фойдаланишда ҳам ноқонуний талаблар, сансалорлик каби ҳаракатлар қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг тўплаган маблағи уларнинг розилигисиз, айрим ҳокимларнинг ноқонуний қарорлари асосида олиб қўйилиш ҳоллари мавжуд. Солиқ идоралари ходимлари тадбиркорлар, фермер-деҳқон хўжаликлари, хусусий корхоналарга берилган имтиёзларни эътиборга олмасдан, ноқонуний равишда солиқ ундириш фактлари учраяпти. Айни пайтда арзимаган камчилик ва хато учун тадбиркорни жавобгарликка тортиш, нон ёки миллий таом тайёрлаб сотаётган майда тадбиркорларни жиноий жавобгарликка тортишгача бориб етилаяпти.

Баъзи жиддий нуқсонлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида ҳам учраяпди. Жумладан, судлар фаолиятида қатъиятлилик етишмаяпти.

Хўжалик юритувчи субъектнинг, тадбиркорнинг, фермернинг, хусусий мулк эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда барча имконият ва ҳуқуқий дастаклардан фойдаланиш даражаси давр талабига мос эмас. Муросасозлик, масаланинг туб моҳиятига тушуниб етмаслик вазияти мавжуд. Қонун билан ҳуқуқи ва ваколати кенгайтирилган адвокатлар жамоалари, уларнинг вакиллари том маънодаги қонун ҳимоячилари эканликларини намоён эта олмаяптилар. Адлия соҳаси идоралари, ходимлари бу борада бош-қош бўлишда ўз ваколатларини тўлалигича амалга ошира олмаяпти.

Маърузада Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори билан Адлия вазирлигига тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан тўла жавобгарлик юкланганлиги, шу боисдан қўшимча равишда кенг ваколатлар ва ҳуқуқлар берилганлиги таъкидланди ва уларни амалга ошириш бўйича вазифаларга батафсил тўхталиб ўтилди. Барча мулк шакли қаторида тадбиркорнинг, хусусий мулк эгасининг ҳуқуқи конституциявий тарзда қўриқланиши ва кафолати таъминланиши шарт. Мулкдор ўз мулкининг ҳақиқий эгасига айланиши ва уни эркин тасарруф қилиши лозим.

Ҳозир Адлия вазирлигида ноқонуний текширишларга алоқадор ҳужжатлар тўпланаяпти. Ўтган бир ой ичида 50 дан ортиқ тадбиркор ва хусусий мулк эгаларидан шикоятлар тушди. Улар ўрганилганда аксарияти асосли деб топилди.

Мажлисда шунингдек, тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш, улар фаолиятини лицензиялаш, аудиторлик текширувларини меъёрий такомиллаштириш, тадбиркорларни жавобгарликка тортиш ҳамда корхоналар фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйиш каби муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш масалаларига урғу берилди.

Ҳайъатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри адлия соҳаси раҳбарлари ва суд раислари, вазирлик таркибий тармоқлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари мавзуга оид мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими Б.Мустафоев, Олий Суди Раиси У.Мингбоев, Олий Хўжалик суди раиси М.Абдусаломовлар иштирок этди.

Ҳайъат муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Адлия вазирининг матбуот котиби хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Шу сонга хабар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Демократик жараёнлар ва суд ҳуқуқ ислоҳоти» мавзусига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси ўринбосари Фарруха Муҳиддинова кириш сўзи билан очиб, Олий Мажлис Иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган суд ислоҳоти ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири эканини таъкидлаб ўтди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Раиси У.Мингбоев суд ислоҳоти муҳим вазифа эканини таъкидлаб ўтган ҳолда судлар тизимини такомиллаштиришда суд ҳокимияти мустақиллигининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, у жиноий ишлар бўйича судлов масаласида ўзгартишлар киритиш юзасидан ўз таклифларини баён этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг раиси М.Абдусаломов суд ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштиришда адлия идораларининг вазифаларига тўхталиб ўтди, юридик фанлари доктори А.Саидов кадрлар тайёрлашдаги айрим муаммоларни тилга олиб, ҳуқуқшунослик ўқув юртларида ўрганилаётган дарсликларнинг мукаммал эмаслигини айтди. Юристлар амалиётчилар билан биргаликда дастур ишлаб чиқиб, ҳуқуқий дарсликлар, мавжуд қонунлар шарҳини ишлаб чиқишса, фойдадан ҳоли бўлмасди, деди у.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан нотиқлар суд мустақиллигини таъминлашда ислоҳотнинг муҳим қирралари, вазифалари, прокуратура органларининг суд ислоҳоти давридаги ўрни, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг муҳим вазифалари каби қизиқарли мавзулари билан чиқиб, семинар қатнашчиларида катта таассурот уйғотдилар.

Арофат ОРТИҚОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Туҳфа

ТАРИХ — ИБРАТ МАКТАБИ

Миллати тақдирига масъулият сезувчи ҳар бир онгли инсон, айниқса, арбоб шахс жавҳарида ўз халқи тарихига қизиқиш ҳамда ундан бугун ва келажак учун хулоса чиқариш иштиёқи жўш уради. Бугунимиз кечаги тарихимизнинг давоми, оқибати ва натижасидир. Демак, ўз халқи тақдири учун қайғурган шахс унинг тарихини билишга, ўрганишга ҳаракат қилади. Зеро, халқ тақдирини халқ тарихидан ажратиб бўлмайди, булар эгизак тушунчалардир.

Таниқли ёзувчи, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «Бизким, ўзбеклар...» деб номланган миллий давлатчилигимиз асослари ҳақидаги мулоҳазаларидан иборат китоб айни жонажон Ватанимиз тарихи ихлосмандлари учун беқиёс туҳфадир. Ёзувчи ўтмишимиз, серқирра, серқатлам маданий-маънавий меросимиз қатламларини худди тоғ жинсларини текширган геологдек ғоятда синчиклаб кўздан кечирган ва адиб, публицист таҳлилидан ўтказган.

Ишонамизки, мазкур китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи беҳад завқ олади, тарихни шундай севиш, ундан шундай ибрат олиш керак, деган хулоса чиқаради.

Ақидапарастлик - иллат

САРОБ ҒОЯЛАРНИНГ ОХИРИ... ХАРОБ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бутун жамиятимизда бўлгани каби диний жабҳаларда ҳам катта ижобий ишлар амалга оширилди, диндорларга кенг шароитлар яратилди. Халқимиз хоҳиш-иродаси эътиборга олиниб, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш кунлари, деб эълон қилинди, фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини бемалол амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Бироқ бу имконият ва имтиёзлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринувчилар ҳам пайдо бўлди. Хориждан юртимизга кириб кела бошлаган турли бузғунчи оқимлар, экстремизм ва миссионерлик қўринишлари ҳам пайдо бўлди. Улар турли йўллар билан соддадил кишиларга, айниқса, ёшларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда вилоятимиз маркази Қарши шаҳрида ва Қарши туманида экстремистик мазмундаги варақалар тарқатаётган бир гуруҳ кимсалар қўлга олиниб, тергов органларига топширилдики, бундан вилоятимиз аҳолиси хабардор. Уларнинг фаолиятини молиявий таъминоти, асосан, чет эллардаги сармоядорлар ҳисобига амалга оширилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-моддасига кўра ушбу ғоялар гирдобига тушиб қолган, яъни диний-экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват қиладиган, аҳоли ўртасида ваҳима қўзғашга қаратилган материалларни тайёрлаган ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаган, фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача, мансабдор шахсларга нисбатан эса 10 баробаридан 15 баробаригача жарима солишга ёки 15 кунгача маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Касалликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ, дейишади. Экстремистик кайфиятда юрганларга нисбатан тушунтириш ишларини олиб бориб, айниқса, ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлар билан мактаб ва маҳаллаларда мунтазам равишда режа асосида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб, бундай тадбирларга маҳалла оқсоқоллари, фахрийларимиз ҳамда имом-хатибларимизни жалб қилиб, диний экстремистик оқимлар тўғрисида маълумотлар бериб боришимиз лозим.

Экстремистик мафкурага қарши дунёвий ва диний томондан ҳамжиҳат бўлиб кураш олиб борилса, эътиқоди суст кишини ҳам ақидапарастларнинг сароб ғоялари таъсиридан асраб қолиш, шу тарика уларнинг мафкурасига барҳам бериш мумкин. Зеро, биз Ватан, миллат тақдири ҳар биримизнинг қўлимизда эканлигини, ўзини юрт фарзанди, деб билган инсон бу ишда масъул бўлмоғини унутмаслигимиз керак. Мустақиллик - олий неъматдир. Уни мустаҳкамлаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Ш.ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хабарлар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги залида Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди, Олий суди, Олий хўжалик Суди, Адлия ва Молия вазирликлари иштирокидаги қўшма семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари - бош бухгалтери Б.Бўронов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош бухгалтери С.Абдурасулов, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди бош бухгалтери Х.Бектошев, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги етакчи иқтисодчиси У.Абруевларнинг маърузалари тингланди. Семинар-кенгаш қатнашчилари маъруза юзасидан сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

***

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги залида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» мавзусида қилган маърузасида юридик фани олдига қўйилган асосий вазифаларга бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Биринчи ўринбосари Ғайбулло Раҳимов кириш сўзи билан очиб, сўзни ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Бобоевга берди. Нотиқ юридик фани олдида турган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг ТДЮИ кафедра мудири, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар Академияси аъзоси, профессор Х.Раҳмонқулов «Давлат бошқаруви ва ҳуқуқий ривожланиш қонуниятлари бўйича Муаммовий Илмий Кенгашнинг вазифалари» мавзуида, ТДЮИ проректори, юридик фанлари доктори, профессор М.Рустамбоев юридик фанининг асосий йўналишлари ва истиқболи мавзуида ва бошқа бир қатор таниқли ҳуқуқшунос олимлар фаннинг ривожланиш дастури ва йўналиши тўғрисида маъруза қилдилар.

Қизиқарли маърузалар конференция қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
«Инсон ва қонун» мухбири

Суратда: илмий конференциядан лавҳа.

Анжуман

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ - ЮТУҚЛАР ДАРАКЧИСИ

Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳайъати ва вилоят суди раёсатининг навбатдаги қўшма мажлиси кун тартибига Президент И.А.Каримовнинг 1999 йил якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида баён этилган талаб ва таклифлар, хулоса ва мулоҳазаларни ҳаётга тадбиқ этиш соҳасидаги вазифалар, мамлакат адлия ва суд идораларининг ўтган йилги фаолияти ва жорий йил режалари юзасидан Республика Адлия вазирлиги ҳайъати қарорларини амалга ошириш чоралари, «Экинларнинг ғалла майдонларини пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида» Республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорни бажаришнинг бориши, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси, Хива шаҳри ва туманида суд қарорларини ижро этишнинг аҳволи, айрим нодавлат ташкилотларнинг низоларини давлат рўйхатидан ўтказиш каби масалалар кўрилди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати И.Собиров раислигида ўтган ушбу анжуманда муҳокамадаги масалаларга нисбатан янгича қараш ва ёндашувлар, шунингдек, фикрларнинг бойлиги, теранлиги, ранг-баранглиги яққол акс этди. Шартномавий муносабатларнинг бозор ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтириш иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, ўрта ва кичик бизнес равнақига йўл очиш соҳасидаги кечиктирилмас вазифалар шу масала бўйича қабул қилинган қарорда ҳам ўз аксини топди. Зеро, бу соҳадаги вазифа ва режалар Республика Адлия вазирлигида йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам асосий ўринни эгаллагани бежиз эмас.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят ҳуқуқ-тартиботи ва қонун назорати ходимлари билан воҳа деҳқончилик саноати мажмуи меҳнатчилари ўртасидаги ҳамкорлик далаларда етиштирилаётган мўл ғалла ҳосилини нобудгарчиликдан сақлаб қолишга хизмат қилишини алоҳида тилга олдилар. Ўтган йили вилоят адлия бошқармасига келиб тушган шикоят ва аризалар сони аввалги йилдагидан 22,8 фоиз кўпайгани, Гурлан, Хазорасп, Хонқа, Урганч, Қўшкўпир туманлари ва Питнак шаҳри бу борада «пешқадамлик» қилаётгани юқоридаги фактни рўйи-рост тасдиқлайди. Қўшма мажлис бу каби кўримсиз фактларни ҳақли равишда танқидий баҳолади. Судлардан камчилик ва нуқсонларни собитқадамлик билан бартараф этишни қатъий талаб қилди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий Суди масъул ходимлари А.Усмонов, А.Исаев, вилоят ҳокимлиги маъмурий идоралар билан ишлаш гуруҳи раҳбари О.Каримов иштирок этдилар.

А.СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЮРТ ТИНЧЛИГИ ЭЛ БИЛАН



Мамлакат ободлиги, фуқаролар фаровонлиги, аввало, юртда мустаҳкам қарор топган тинчлик-осойишталик, ўзаро аҳилликкa боғлиқ экани эндиликда барчага бирдай аён. Ватанимизга ўзимиз эга бўлиб, унинг равнақига ўзимизни масъул билиб меҳнат қилиб, жаҳон ҳамжамиятида обрў орттириб келаётганимиз — мустақиллик йиллари биз учун таъбир жоиз бўлса, барқарорликни сақлаш, тинчликни таъмин этиш борасида жиддий синовлар даври бўлди. Тубдан ўзгаришга юз бурган иқтисодий шарт-шароит, бозор иқтисодиётига ўтиш даври муаммолари, айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз осойишталигини сақлаш йўлида жонбозлик кўрсатишни талаб қилган бўлса, кейинги йиллар мобайнида ана шу даврда орттирилган тажрибалар мустаҳкамланиб, бу жабҳада ҳушёрликни янада кучайтириб, тадбиркорлик билан фаол ҳаракатлар қилинди. Ватан ва мустақиллик, миллат тинчи ва шахс ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қимматини баланд тутиб, ўз хизмат бурчини ҳалол бажариб, эл ҳурмат-эътиборини қозониб келаётган ҳуқуқ посбонлари осойишта турмуш шароитимизнинг ишончли ҳимоячиларидир. Ишонч билан айтиш жоизки, республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўз хизмат бурчини астойдил уддалаб, аҳоли тинчлигини таъминлашда бош-қош бўлиб келаётган ички ишлар бўлимлари ходимлари кўплаб топилади. Ўз зиммасига осон бўлмаган, беҳаловат ва серташвиш вазифани олган бундай фидойи инсонлар орасида Избоскан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Азаматжон Тошбоевнинг ҳам борлиги хизматдошлари қалбида ғурур ва ҳавас туйғуларини уйғотади.

Инсон қайси касбда меҳнат қилмасин, адолат ва инсоф, фаоллик ва қатъиятни ўз ҳаёти тарзининг мезони, деб билса албатта, унинг умрида барака, ишида ривож бўлади. Ва, шубҳасиз, бундай фазилатлар соҳиби кўпчиликнинг ҳурматини қозонади. Қарийб йигирма йиллик ички ишлардаги хизмати мобайнида А.Тошбоев ўзига топширилган турли лавозимдаги вазифаларни намунали тарзда уддалаб келаётир. Дастлаб у Хонобод шаҳар ички ишлар бўлимида хизматни бошлаган бўлса, кейинги йиллар ичида Андижон шаҳар ички ишлар бўлими муовини, вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. Ўтган йилнинг феврал ойида Избоскан тумани ички ишлар бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланган А.Тошбоев қисқа муддат ичида бўлимдаги ишларнинг савиясини кўтариш: ички ишлар бўлими идорасининг ободонлиги-ю, озодлигидан тортиб, хоналарнинг замонавий техника асбоблари, алоқа воситалари билан таъминланиши, ходимларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий тарбиясини талаб даражасига олиб чиқиш борасида изланди, ташаббус кўрсатди. Бўлим шахсий таркиби билан ўтказиб келинаётган доимий мулоқотлар чоғида А.Тошбоев милиция ходими нафақат ҳушёр, ўз вазифасига ўта масъул бўлишини, айни пайтда халқ орасида ўзининг маданияти, ахлоқ-одоби билан ўрнак кўрсатишини муттасил уқтириб келади.

Осойишталигимиз посбонлари

Шунингдек, маърифий тадбирларнинг, санъаткорлар билан учрашувларнинг вақтвақтида уюштириб турилиши, очиқ мулоқотлар, таниқли кишилар билан дийдорлашувлар ходимларнинг туман аҳолисига кўрсатишаётган хизматлари ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек бўлишида самарали таъсир кўрсатаётир.

Маълумки, Избоскан тумани қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Новкент тумани билан чегарадош. Республикамиз ҳудудидан моддий товар бойликларининг ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилмаслик, мамлакатимиз ҳудудига қурол-яроғ, наркотик моддалар олиб кирилишининг олдини олиш туман ички ишлар бўлими ходимларидан алоҳида сергакликни талаб қилади. Ана шундай хавф-хатарларни вақтида илғаб, ҳар хил ғайриқонуний ҳаракатларнинг пайини дарҳол қирқиш мақсадида А.Тошбоев ташаббуси билан 1997 йили туман ҳокими қарорига асосан 25 нафар кўнгилли халқ посбонлари гуруҳи ташкил этилган эди. Таъкидлаш жоизки, бу ташаббус республикамиз бўйича биринчилардан бўлиб дастлаб Избосканда амалга оширилди. Жиноятчиликнинг олдини олишда, жамоат тартибини сақлаш ва пайҳонгарчиликларга қарши курашишда кўнгилли посбонларнинг ички ишлар ходимларига кўрсатишаётган ёрдами жуда қўл келаётир. Танлов асосида қабул қилинадиган кўнгиллиларга кўкрак нишони, хизмат гувоҳномаси ва махсус кийим-бош берилган, улар туман ҳудудидаги жамоа хўжаликларига бириктирилган бўлиб, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида иш ҳақи билан таъминланган. Шу ўринда халқ посбонларининг бевосита иштироки билан туманда рўй берган 48 та жиноий иш очилгани, турли хил маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар аниқланиб, уларга нисбатан 565 та маъмурий баённомалар тузилганлигини айтиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. Қолаверса, кўнгилли халқ посбонлари гуруҳи туман ички ишлар таркибини ёш ва абжир ходимлар билан таъминлашда ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ҳам ўтаётир. Кўнгиллилар орасида алоҳида фаоллик кўрсатган, хизмат вазифасини бажаришга ҳар жиҳатдан тайёр деб топилган йигитлардан тўрт нафари — А.Абдураҳмонов, И.Назаров, А.Ҳабибиддинов ва Х.Саломовлар ички ишлар тизимига ишга қабул қилиндилар. Бир сўз билан айтганда, милиция подполковниги, Избоскан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Азаматжон Тошбоевнинг тадбиркорлик, ташаббускорлик билан юритаётган фаолияти туман ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида аҳоли билан бир жон - бир тан бўлиб иш юритишнинг ибратли намунаси, десак янглишмаймиз. Зеро, ҳаловатидан кечиб, эли, юрти осойишталигини таъминлаб келаётган ва ўзининг айни шу сермашаққат хизматидан ҳаловат топиб, эл назарига тушган А.Тошбоев каби фидойи милиция ходимлари бугун барчамизнинг тинч турмушимиз, эркин меҳнат шароитимизнинг ишончли ҳимоячиларидир.

Орифжон СУЛАЙМОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Қоянинг сояси бор

КАРОМАТСОҲИБ ХЎЖАЙИНЛАР

Республика илмий тадқиқот институти Бухоро пахтачилик тажриба хўжалигининг бошлиғи ўринбосари Мансур Баҳронов деган шахс 1999 йилнинг июл ойида хўжаликка қарашли 1,05 гектар ердан олинган 2058 килограмм буғдойни ўз жиғилдонига ўзлаштириб юборган. Бу жиноятдан воқиф бўлган бошлиқ - Музаффар Маҳмудов тегишли чора кўриш, ишни тегишли органларга ҳавола қилиш ўрнига... оғзига талқон солиб юрган. Яхшиямки, хўжаликда мулкни талон-тарож қилувчиларга номурасо ходимлар бор экан. Мансур Баҳроновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилди. Унга берилган «Ахир, ходимлардан ички тартиб қоидаларини, қонунийликни, давлат ва меҳнат интизомига риоя қилишни талаб қилувчи бўлатуриб, ўзи жиноятга қўл урса, буни қандай баҳолаш мумкин?» деган саволга «Ҳа, яна бир каромат кўрсатинг хўжайин, деган илтимослар бўлиб туради-да», деб қўя қолган. Ана, кўрсатилган кароматнинг натижаси!

Бухоро шаҳридаги «Ўзагромашсервис» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Бухоро-Таъминотчи» корхонаси раиси Мустафо Бердиев деган арбоб ҳар икки сўзининг бирида «Жамият мулкини кўз қорачиғидай сақлаш бозор иқтисодиётининг асосий вазифаларидан бири», деб такрорларкан. Лекин ҳақиқий аҳвол-чи? Мана, эшитинг: жамият раиси ҳузурига навбатчи механик Назир Бадриддинов кириб, «Яна бир каромат кўрсатинг, хўжайин!» дебди. Гап шундаки, навбатчи механик 1999 йил 13 апрелда «ТТЗ-80 русумли тракторнинг 39 минг сўм турадиган янги радиаторини шилиб кетган экан. Бу жиноят очилиб қолибди. Жамият раиси ходимга меҳрибонлик, соябонлик қилиб, «каромат кўрсатиб» юборибди. Радиаторнинг «изини ўчирибди». Аммо... қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолди. Айбдорлар фош этилиб, жиноий жавобгарликка тортилди, зарар уларнинг ёнидан ундириб олинди.

Баъзида ғаройиб «каромат»лардан ҳайратга тушасиз. Масалан, прокуратура вилоят акционер-тижорат «Тадбиркор» банкининг Янги-Бозор бўлимида кўплаб ғайриқонуний ишларни аниқлагандан сўнг айбдорларга чора кўриш учун «Тадбиркор» банки бошқаруви раиси номига тақдимнома юборган бўлиб, бу ҳужжатни олган Бахтиёр Баҳромов камчиликларга йўл қўйганлиги учун Равшан Бахроновга интизомий жазо чораси сифатида «ҳайфсан» эълон қилган. Шу куниёқ, шу раҳбарнинг иккинчи буйруғи билан шу қонунбузарга бир ойлик маошининг 20 фоизи миқдорида мукофот пули берилиши ҳақида «каромат кўрсатилган».

Бухоро соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Маъмур Абдураҳмоновнинг кабинетига асаб касалликлари диспансери Бош ҳакими Ҳамро Ҳамдамов келиб: «Хўжайин, бир каромат кўрсатмасангиз бўлмайди», дебди. «Нима гап?» деса, «Текширишларда кўплаб камчиликларимиз очилиб қолди, ҳужжати ҳам келиб қолса керак, бир қўллаб юборасиз-да, хўжайин!» дебди Ҳ.Ҳамроев.

Бошлиқ ваъдани катта берибди ва салдан сўнг келиб тушган прокурорлик ҳужжатини нари-бери кўриб, айбдорга чора кўриш ҳақида буйруқ тайёрлатибди. Қарангки, унда қонунда кўзда тутилмаган жазо «огоҳлантирилсин» деган «каромат» ўрин олибди.

«Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Б.Тилавов томонидан давлат ва меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан ҳомийлик кўрсатиш авж палласига чиққан деса бўлади. Масалан, кузатилган бир ой ичида бу ерда 16 та ходим 3 кундан 25 иш кунигача ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаганига раҳбар бирор марта ҳам қонуний чора кўришни ўзига эп кўрмабди. Бу «каромат»га ҳам қатъий чек қўйишга тўғри келди.

Ваҳоланки, ҳуқуқий жамият қуришга бел боғлаган эканмиз, тартиб-интизом, қонунийлик, меҳнатга муносабат янада юқори бўлиши керак. Қонун-қоидаларни бузувчиларга қарши қонун кучи билан зарба бериш, уларга ҳомийликни бас қилиш асосий вазифага айланиши лозим. Бу айниқса, раҳбарнинг бурчи, мажбуриятидир.

Фурқат МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси



Юртимизда бошланган Наврўз тантаналари дилларга мислсиз қувонч, сурур бағишлайди. Наврўз қадимийлигида далолат берувчи қўшиқ ва рақслар, рамзий саҳналар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу байрам намойишларида халқимизнинг истеъдодли, навқирон йигит-қизлари ўз санъатларини намойиш этишаётир, қўшиқлар куйларга, куйлар рақсларга, рақслар шеърларга ва Наврўз тилакларига уланиб кетаётир.

ПИШИРГАНИ ТОПИЛСА, ОШИРГАНИ ТОПИЛАР

Сурхондарё вилоятида нега ун танқис бўлиб қолди?

Сурхондарё вилояти савдо тармоқларида ўтган йил давомида ва шу йилнинг январ, феврал ойларида ун танқислиги сезилиб қолди. Таъминотнинг ёмонлиги, бу соҳадаги узилишлар одамларни ташвишга солиб қўймоқда. Тўғри, ўтган йили вилоят ғаллазорларига офат бўлиб келган «занг» касаллиги ҳосилнинг ярмини кўкка совурди. Режалар вилоят бўйича бор-йўғи 50 фоизга бажарилди, холос. Бу фактни ҳурматли Президентимиз ҳам вилоятда бўлган учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Хуллас, ҳозир вилоятда унга талаб катта. Қишлоқ жойларда ўрнатилган тегирмонлардан чиқадиган ун ҳам бозорларда кўринмай қолди. Бироқ бурчак-бурчакларда унни пуллаётган «тадбиркорлар» танқисчилик туфайли харидорнинг чўнтагини аямасдан қоқиб олаётгани ҳам сир эмас. Пиширгани топилса, оширгани топилар, деб савдо дўконларига келтирилган кам миқдордаги ннинг ҳар қопи 5-6 минг сўмдан сотилаяпти. Қишлоқ жойларда ун таъминоти аҳоли бошига 3-3,5 килограммдан белгиланган. Халқимиз болажон. Қиш фаслида эса нон кўпроқ истеъмол қилинади. Ун маҳсулотининг қўлма-қўл бўлиб кетаётганидан фойдаланган «бизнесчилар»нинг эса қўли-қўлига тегмайди.

- Ннинг нархи нега қиммат? - деб улардан сўрасангиз, тап тортмасдан:

- Ака, шапкаси ошган, транспорт харажати, ортиб-тушириш, қолаверса, бизнинг ҳам меҳнатимиз фалон сўм туради, - дейди пинагини бузмай.

Хуллас, бу муаммога ойдинлик киритиш мақсадида вилоятни ун маҳсулотлари билан таъминлайдиган «Сурхондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмаси раҳбар ходимларга учрашганимизда улар олдимизга жимжимадор рақамларни маржондай тизиб ташлашди. Ҳа, булут йиғлаб, гул кулар экан. (Дарвоқе, уюшмадаги қинғир ишлар учун ҳар йили жавобгар шахслар устидан жиноий ишлар қўзғатилади. Жумладан, ўтган йилги раҳбару бош мансабдорлар ҳам ҳозир тергов бериб юришибди). Қоғозларга назар ташласангиз, талаб бажарилгандай. Аммо хашакдан ҳашам бичма, ёлғондан қасам ичма, дейдилар. Аслида эса вилоятнинг барча туману шаҳарларида унга талаб муаммо бўлиб қолаётгани бор гап.

Бунинг асосий сабабларидан бири маҳсулотнинг бир қисми четга чиқариб юборилаётгани бўлса, бир қисми ўзаро келишувлар эвазига пул топишни ҳамма нарсадан устун қўювчи «тадбиркорлар» қўлига тутқазилаётгани, қолаверса, ун билан таъминлаш, олиб келишдаги ортиқча харажатлар ўйлаб топилаётгани, хуллас, бу борадаги назорат ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Келинг, яхшиси вилоят прокуратураси, Термиз шаҳар солиқ инспекциясидан олинган маълумотлар асосида бир улгуржи савдо харид базасидаги амалдорларнинг ун маҳсулотларини талон-тарож қилишдаги қинғир ишларидан кичик бир мисол келтирайлик.

Термиз шаҳридаги «Ал-Ҳаким» улгуржи савдо харид базасида таъминотчи бўлиб ишлаган айни пайтда у ва унинг ҳамтовоқлари устидан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми 6-банди билан қўзғатилган жиноят (иши кўзғатилган) Баҳром Бектошев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттирган ҳолда ўтган йилнинг 10 июн куни таниши Тангриқулов Салим орқали Ражабали Шукуров исмли шахс билан ўзаро тил бириктириб, кўплаб миқдорда ун маҳсулотини талон-тарож қилишган. Шу жамият раиси Жовли Абраев, бош ҳисобчи Дамин Чориев, омбор мудири Нурмат Раҳмоновлар ноқонуний йўллар билан Ражабали Шукуровга 200 халта унни 600 минг сўмга сотиб юборишган. Жамият таъминотчиси Баҳром Бектошоев 1999 йил 3 июн куни Термиз дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонасидан 100 халта унни Ражабали Шукуровга кўтарасига бериб, уни Термиз шаҳри 4-кичик даҳада жойлашган «Ўзбекистон» хусусий дўконига олиб келиб туришган. 1999 йил 4 июн кунида 124-сонли ишончнома билан 20-80 давлат рақамли КамАЗ автомашинасида яна 200 қоп унни Узун туман матлубот жамияти тайёрловчиси Ислом Обилов ўзи билан олиб келган машиналарга юклаб олиб кетган. Ислом Обилов ҳам устаси фаранглардан экан. У йўғонни йўниб, ингичкани чўзиб е, қабилида иш тутиб, танишлари Салим Тангрикулов ва Ражабали Шукуровга 100 қоп унни кўтарасига 300 минг сўмга сотиб юборган.

1999 йил 5 июн куни Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ва вилоят МХХ ходимлари Рўзиев Маҳмуднинг жавобгарлигидаги автомашинага юкланган 200 қоп унни Термиз шаҳар ДСИга олиб келиб, далилий ашё сифатида қинғир ишларнинг пайини қирқишга муяссар бўлдилар.

Жарроҳнинг ўткир тиғидан сўнг яранг битса-да, чандиғи қолганидай, тақсимот деган шўролар замонидан қолган ярамас бир иллат бор. Тўғри харидор ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бор, қоидалар чиқарилган. Бироқ тақсимотнинг тагида отнинг бошига солинган жугандек, бошқарадиган «шапка» ётади.

Бундан икки йил илгари савдо ташкилотлари тақсимот қилинган ун маҳсулотларини тўғридан-тўғри бош тегирмондан ўзлари ташиб келтириб, аҳолига сотишарди. Кейинги йилларда бу ҳуқуқ «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» зиммасига юклатилди. Хўш, нима бўпти, тақсимотини қилиб, унни етказиб берса бўлди-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дерсиз.

Бозордан нарх қочса, харидордан инсоф қочади, дейишади. Туманлардаги дон маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси ннинг тақсимотини қиладию, бу ерга ташиб келинган юкнинг машина харажатини савдо ташкилотлари тўлашга мажбур. Бу муаммонинг яна бир томони бор. Бош тегирмон корхонаси омборларидан машинага юкланаётган ҳар қоп ун учун ўша ердаги ёлланма ишчиларга 25 сўмдан ҳақни савдо корхоналари тўлашга мажбур. Яъни 200 қоп унни машинага юклаш учун савдо ташкилоти нақд беш минг сўм ҳақ тўлайди. Аксарият ҳолларда бу ҳақ натура сифатида тўланади. Энди савдо ташкилотига 200 қоп ун ортган шофёр ҳам натура сифатида 3-4 қоп унни олади. Бермай кўринг-чи! Иккинчи бор ишингиз тушса шофёр осмондаги юлдузни кўраяпсанми, деб имо қилиши ҳеч гап эмас. Бу харажатлар эса харидорнинг елкасига тушади. Амалда ўтирган «шапка» эгалари эса харидор ҳисобидан чўнтагини ҳаром пуллар билан тўлдиради.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишда: «Бизда қўлдан ўтгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутилади. Ваҳоланки, бу қўлдан ўтгунча, халққа етгунча бўлиши керак» деб таъкидлаганида жуда тўғри, ҳаётий ҳақиқатни эътироф этдилар. Ана шу йўл-йўриқлар ҳар биримизнинг кундалик шиоримизга айланиши шарт.

Собир ЁДИКОВ,
журналист

Бизнинг мусоҳаба

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ-БОШ МАСАЛА

- Абдураҳмат Саидович, маълумки, прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини одилона ҳимоя қиладиган нажот қалъасидир. Қаерда адолатсизлик, ноҳаклик рўй берса, ўша ерда ариза ва шикоятбозлик кўпаяди. Шундай эмасми?

- Фикрингизни тўғри уққан бўлсам, сиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни юзасидан қилинган ишлар хусусида сўрамоқчисиз. Бу борада туман прокуратурасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 9 та ариза ва шикоятлар тушиб, уларнинг 6 таси бевосита шу ернинг ўзида ҳал этилди. Қолган 3 та ариза ва шикоят эса ташкилот ва идораларга ҳавола этилиб, уларнинг ижобий ҳал этилиши назоратга олинди.

Булардан ташқари меҳнат жамоаларида, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ушбу қонун ижроси юзасидан маълум тадбирлар ўтказилиб борилмоқда. Жумладан, гардиён қишлоқ фуқаролар йиғинида 4 та ариза ва шикоят рўйхатга олинган бўлиб, барчаси ўз муддатида ҳал этилган. Аммо бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, фуқаро М.Улуғова томонидан турмуш ўртоғи билан келишмай юргани хусусидаги мурожаат асосида комиссия тўплаган ҳужжатлар судга ҳавола этилди, деб ариза муаллифига хабар қилинган. Аммо аслида эса ҳужжатларнинг судга юборилгани маълум бўлди. Бу каби ҳолатни Б.Бўриева, Ш.Раҳимова сингари фуқаролар мурожаатларига нисбатан ҳам учратиш мумкин.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, айрим фуқароларнинг шахсий адоват, сохта обрў учун бировлар устидан юқори ташкилотларга асоссиз, далилсиз, бўҳтон шикоят хатлар ёзиб, кўпчиликни сарсон-саргардон қилаётганлиги ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг «Атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларини қоплаш» тўғрисидаги моддасида уларнинг қилмишлари қонун доирасида кўрилиб, тегишли жазо белгиланиши таъкидланган. Текширишларда фуқаро Сувон Бўронов атайин аниқ исботини топмайдиган сохта маълумотлар билан юқори идораларга мурожаат қилиб, давлат ва жамоат манфаатларига, қолаверса, «Варозун» жамоа хўжалигининг нормал фаолият юритилишига жиддий зарар етказган. Бу билан мазкур жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарларига орномуси, қадр-қиммати ва ишчанлик фаолиятларига салбий таъсир кўрсатган. Оқибатда текширишга жалб қилинган 3 нафар тафтишчи сафар харажатлари ва иш ҳақи учун жами 35658 сўмга даъво аризаси киритилди. Ушбу фактлар юзасидан туман прокуратураси судга даъво аризаси берди, туман суди ушбу аризани кўриб чиқиб, даъво аризасини қаноатлантирди.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос Абдурахмат БОЛТАЕВ билан суҳбат

- Юртбошимизнинг «...биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, фарзандларимиз тарбиясини ўзимиз қўлимизга оламиз»деган сўзларига ҳамоҳанг нима деган бўлардингиз?

- Кўнглимдаги саволни бердингиз. Биласизми, республикамизнинг келажаги бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчининг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ. Ёшларимиз қанчалик кўп ҳуқуқий билимга эга бўлса, қонунбузарлик шунчалик кам бўлади. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» ҳам бу ҳақда алоҳида қайдлар мавжуд. Туманимизда 38 та мактаб, 2 та лицей ва 1 та ҳунартехника билим юртлари мавжуд бўлиб, улардан 28 мингдан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади.

XX аср инсоният тарихида турли хил мўъжизалар ва беқиёс илмий-техникавий юксалиш даври бўлиб мухрланди. Айни пайтда XXI асрга нафақат яхшилик ва эзгуликлар, балки айрим ёвуз иллатлар ҳам мерос бўлиб қолётганлиги аянчли.

Мана шундай иллатлардан бири бугун башарият кўнглига ғулғула солиб, тинчини бузаётган терроризмдир. Бундан бир неча ўн йиллар олдин тор доиралар манфаати учун хизмат қилган бу «дастёр»нинг вируси бугун даҳшатли тус олиб, бутун оламни ўз оловига буркашга интилаяпти. Энг ачинарлиси, терроризм Осиё мамлакатларига ислом фундаментализми ва диний оқимлар туси билан кириб келмоқда. Туман ИИБ, ҳокимлик, Камолат, Нуроний жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда диний ақидапарастликларнинг турли хил кўринишлари олдини олиш мақсадида, «Сиз қонунни биласизми?» «Шу азиз Ватан барчамизники», «Огоҳ бўлайлик» каби ўнлаб тадбирлар ўтказиб, содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олаяпмиз. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги масжид, мадрасалар имом-хатиблари билан ҳамкорликда ҳам кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз, Президентимиз таъкидлаганларидек, биз ёшларимизни ҳеч қачон қора кучлар қўлига бериб қўймаймиз. Бунинг учун бизда етарли имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

Рашид АСЛОНОВ суҳбатлашди.

Мамлакатимизда тинч-аҳил яшаётган турли миллатларнинг қуй-қўшиқлари, рақслари байрам руҳига яна шукуҳ, таравот бахш этаётир. Ана шундай фараҳли дамларда беихтиёр атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари ёдга келади:

Бошингда ҳуррият
қуёшинг бордир,
Ўз Туғро, Байроғинг,
Юртбошинг бордир,
Мақсадинг, ғайратинг,
бардошинг бордир,
Ватаним, муборак
бўлсин Наврўзинг!

Прокурор сўз сўрайди

МАЪНАВИЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Теварак-атрофимиздаги ёшларнинг аксарияти қадамларидан ўт чақнаб, яратиш-яшнатиш ишқи билан банд. Тақдирини мустақил Ватандан айри тасаввур этолмайдиган ёшлар иложи бўлса кеча-кундуз ишлаб, юрт ривожига ҳисса қўшиш ҳаракатида югуриб-елмоқда.

Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, илғор ёшлар билан биргаликда маънавий юztубан кетган, ўғирлик, босқинчиликни касб қилган ёшлар ҳам йўқ эмас.

Кунлардан бир куни ана шундай йўлдан адашган икки «азамат» йигит — Ёрқин Мирзаматов ва Ўткирбек Ўрмонжонов деган кимсалар қабристон сари йўл олишади. Ўтганларни хотирлаш учун боришгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, бундай муқаддас бурч уларнинг хаёлида ҳам йўқ эди.

Улар марҳум Комилжон Каримовнинг қабрини таҳқирлаб, унинг атрофидаги панжарани суғуриб кетишди. Чунки панжара рангли металл - алюминдан ясалган эди-да. Нафс қўйига кирган бу икки нобакорларнинг нияти ушбу панжарани бозорга олиб бориб сотиш эди.

Улар мақсадига етишди. Алюмин панжара тортилганда юз килограмм чиқди. Унинг ҳар бир килограммини 50 сўмдан жами беш минг сўмга сотишиб, икковлари тенг бўлиб олишди.

Арзимаган пулларни деб ўтганлар хотирасини топташ-таҳқирлаш уят эмасми?! Ўзларига шундай тубан ишни эп кўрган бу икки «азамат» йигит Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «В» банди билан айбланиб, суд олдида жавоб бердилар.

Асакалик яна бир «азамат»лар гуруҳи — Рустам Ҳусанов, Ўткир Йўлдошев, Шоҳруҳ Асранов, Расул Абсариев, Шайдулло Мустафиновлар эса ўғирлик кўчасида адашиб юришибди. Аслида эса улар адашмаган, балки ўғирликни касб қилиб олишган. Улар «Улуғбек-95» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли озиқ-овқат дўконига киришиб, ойналарни синдиришиб 31 минг 450 сўмлик маҳсулотларни ўғирлаб чиқиб кетишган. Бу гуруҳга Расул Абсалиев раҳбарлик қилган.

Ўғрилар тўдаси яна жиноий тил бириктиришиб, Муҳаммадшокир Иминовга қарашли бўлган «Тўёна» хусусий дўкони ойналарини синдириб, ичкари киришиб, 154 минг 700 сўмлик маҳсулот ва дўкон жиҳозларини ўғирлаб, сотиб юборишга ҳаракат қилишган.

Бу ўғрилар гуруҳида воя етмаган ёшларнинг аралашиб қолганлиги ҳам ачинарлидир.

Иш фаолиятимда яна бундай адашган, ҳаёт сўқмоқларида йўлини йўқотган ёшларни тез-тез учратиб тураман. Уларнинг айримлари аввал ҳам судланган. Ўйлаб қоламан, уларнинг бундай тубанликка юз тутиши, ўтганларнинг хотирасини таҳқирлашга ёки бел оғритмай, текин бойлик топиш умидида ўғирлик кўчасига кирганлигининг боиси нимада?! Бундай жиноятларнинг илдизи қаерда?

Менимча, аввало бундай бола тарбиясининг бузилишини оиладан, мактаб ва маҳалладан излаш керак. Бу даргоҳлардаги бепарволик ва лоқайдлик, ёшларнинг бирор касб-ҳунарни эгалламасликлари оқибатида келиб чиқаётган ишсизлик ҳам уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчиликнинг ўзаро анъанавий ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим. Мактабларда ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқий саводхонликни кучайтиришга эътиборни қаратиш керак.

Бобур ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилояти,Асака шаҳар прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос

Қонун ва ижро

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ

Суҳбатдошимиз Тошкент вилояти, Пискент тумани давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи Мирвосид МИРМАҲМУДОВ

- Кейинги пайтда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш учун фақат ишчанлик, талабчанликнинг ўзигина етарли эмас. Аксинча, бу ерда кўпроқ шахсий ташаббускорлик керакдек кўринади. Шундай эмасми?

- Президентимиз 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаларида мамлакатимизнинг бозор иқтисодига ўтиш даврида тадбиркорликни ривожлантиришнинг моҳиятини тўла-тўкис очиб бераркан, юрт, халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталди. «Бизнинг балки энг заиф томонимиз шуки, кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни талаб даражасида ривожлантира олмаяпмиз. Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос қудратли, ички омилга айланиши зарур» дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Туманимиз асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган 1999 йил якунлари бўйича пахта етиштириш режаси 107,8 фоизга, ғалла режаси ҳам ортиғи билан адо этилди.

Бу вазифаларни бажаришда шубҳасиз, туманимизда фаолият юритаётган жамоа, ширкат ва фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссалари бор.

- Мирвосит Мирмаҳмудович, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит маблағлар билан таъминлашдаги банклар хизмати сизни қониқтирадими?

- Ўзбекистон Республикасининг «Ширкат (кооператив) хўжаликлари тўғрисида»ги Қонуни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли қарорларининг бажарилиши юзасидан туманда фаолият кўрсатаётган 11 та жамоа хўжалигидан бири Навоий номли ширкат (кооператив) хўжалигига айлантирилди.

Ўтган 1999 йил мобайнида 183 фермер хўжалиги 190 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олиниб, уларнинг сони жами 851 тага етди. Туманда айни пайтда 614 та фермер хўжалиги, 373 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида туманда 1999 йил давомида 403 нафар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар рўйхатга олинди. Фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлар сони 695 нафарни ташкил этди.

1999 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантирилган йўли билан 1592 та янги иш ўринларини ташкил қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит маблағлар билан таъминлаш йил давомида «Тадбиркорбанк» бўлими томонидан 52 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар уруғлик, минерал ўғит, янги техника сотиб олиш ва бошқа мақсадларга ажратилди.

Тадбиркорлар палатаси хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш билан чекланмасдан, ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш, чет элда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларини эса туман ҳудудига олиб келиниши юзасидан субъектларга кўмаклашиши, янги кредит тизимлари учун бизнес режалар тузишда уларга яқиндан кўмак кўрсатиши лозим. Аксарият ҳолларда тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олмоқдалар.

Туманда 10 та давлат ташкилоти акционерлик жамиятига айлантирилди.

Мазкур жамиятлардан «Пискент» матлубот савдо, Пискент деҳқон бозори, Пискент пахта тозалаш корхонаси ўз акцияларини 100 фоиз сотиб, қўшимча маблағни ишлаб чиқаришга жалб қилди ва бюджетга тушум режаларини бажарди. Бироқ 82-автокорхона акционерлик жамиятида бу кўрсаткич 76,8 фоизга, машина-трактор парки акционерлик жамиятида 64,2 фоизга, 1 автокорхона акционерлик жамияти 65 фоизга, киновидеолаштириш акционерлик жамиятида эса 64 фоизга адо этилди, холос.

Юртбошимизнинг яқинда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузаларида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш тўғрисида кичик ва хусусий корхоналарни хорижий кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятлари фоиз даражасининг баландлиги, бизнес режаларни ишлаб чиқишда тажриба етишмаслиги, гаров талаблари ўта юқорилиги сабабли чекланиб қолаяпти, деб таъкидлаб ўтдилар. Туманимиз ҳудудида қўшма корхоналар барпо қилиш, чет эл инвестициясини туман иқтисодиётини ривожлантиришга жалб қилиш муҳимдир. Вилоят ҳокимининг 2000 йил 19 январдаги 37-сонли «Тошкент вилояти бўйича 2000 йилда ўрта ва кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида туманда 80 та кичик ва ўрта субъектларни барпо қилиш ва рўйхатга олиш, шу асосда 360 та янги ишчи ўринларини ташкил этиш, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, нотурар-жой биноларини ижарага бериш, кўчмас мулк объектларини биржа, кимошди ва танлов йўли билан хусусий мулк эгаларига сотиш режалаштирилган. Бу вазифаларни амалга оширишни пайсалга солмаслик керак.

Туманимиз ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баъзан исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Буни бартараф этиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, истеъмолга тайёр ҳолда бериш, янги субъектларни ташкил этиш, туманда мавжуд бўш, фойдаланилмай келинаётган биноларда, устахоналарда қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил қилиш, хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларидаги бор имкониятларни имкон даражасида сақлаб қолиш ва янада такомиллаштириш, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Суҳбатдош: Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини сафарга кузатар экан ёки уйига келган меҳмон билан хайрлашар экан, «Оқ йўл, йўлингиз бехатар бўлсин, манзилингизга эсон-омон етиб олинг», дея тилак билдиради.

Чунки кўча тасодифларга тўла. Ўзини ва ўзгаларни эҳтиёт қилиб юриш ҳар бир кишининг ўз қўлида. Шунинг учун «йўл қоидаси - умр фойдаси» дейишади. Хўш, бунга ҳаммавақт ҳам амал қилинадимми?!

Афсуски йўқ. Масалан, туманимизда ўтган бир йил давомида 56 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Оқибатда 8 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 62 киши эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди. Бахтсиз ҳодисаларнинг 20 таси болалар иштирокида бўлган. Унда уч нафар бола нобуд бўлди, 18 нафари тан жароҳати олди.

Қаранг, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилинганда 12-, 13-, 8-мактабларнинг ўқувчилари бахтсиз ҳодисаларнинг такрорланмаслиги учун бу йил бошидан фалокатларнинг олдини олиш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор бераяпмиз. Натижада йилнинг ўтган икки ойи давомида қоидабузарликни ҳам, йўл-транспорт ҳодисаларини ҳам анча камайтиришга эришдик.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан 1 мартдан 31 мартгача йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Биз ойлик доирасида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилинишини назорат қилишни кучайтириш билан бирга уни тарғиб-ташвиқ қилишга эътиборни кучайтирдик.

Нозирларимиз автокорхоналарда тез-тез бўлишиб, ҳайдовчилар ўртасида, мактабларда ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишаяпти. Ҳа, айтганча, биз йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал ўзлаштирган, ёш автонозирлар ҳаракатида фаол қатнашган ўқувчилар учун ДАН стипендияларини ташкил этдик. Унда ҳар бир ўқувчига ҳар ойда 500 сўм пул мукофоти берилади.

Биз асакалик ДАН нозирлари барча йўловчиларга йўлларингиз бехатар бўлсин, деймиз.

Иброҳимжон ТЎРАБОЕВ,
Андижон вилояти, Асака тумани ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиғи, милиция майори

ДЕҲҚОН ҲАЙРОН, КЎНГЛИ ВАЙРОН

чунки буйруқбозлик ва муаммолар қишлоқ хўжалиги ислоҳотига тўсиқ бўлмоқда

Қонун ва ижро

Ислоҳот шу кунги зарурат

Инсонга ҳаво, сув ва нон қанчалик керак?! Қишлоқ хўжалигида ислоҳот шунчалик зарурат. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни мамлакат қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган. Деҳқонда ерга хўжайинлик туйғусини уйғотмасдан, мулкка, етиштирилган маҳсулотга эгалик ҳиссини кучайтирмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгариш ясаб бўлмайди.

Ширкат хўжалигида ички хўжалик юритиш механизми қонун талаблари даражасида ташкил этилса, аъзоларга асосий воситалар пай улуши сифатида бўлиб берилса, оилавий пудрат жорий қилиниб, ҳисоб-китоб ишлари чек усулида олиб борилса, деҳқон пировард натижа — йил якунини кўзлаб жон куйдирса меҳнат бесамар қолмайди. Қишлоқ хўжалигида янгича иш усулига ўтиб ишлаётган, ислоҳотнинг олдинги сафларида бораётган ширкат хўжаликлари талайгина.

Республикамиз Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қишлоқ хўжалиги ислоҳоти борасида куюнчаклик билан айтган гаплари Челак туманига ҳам айнан тааллуқли. Негаки, Самарқанд вилоятида йилни зарар билан якунлаган ширкат хўжаликлари асосан Челак тумани чекига тўғри келади. Туманда ўтган йили мавжуд 18 та хўжаликдан олтитаси ширкат хўжаликларига айлантирилган. Уларнинг биронтасида асосий тармоқ - пахтачиликда режа-шартнома бажарилмаган. Хўжалик аъзолари умумий йиғилиши, таъсис йиғилиши ва ниҳоят, туман ҳокимининг қарори билан жамоа хўжаликлари ширкатга айлантирилиб, иш янги усулда ташкил қилинса-да, муваффақиятлар нега кўзга ташланмаяпти?!

Гапни аччиқ ичакдек чўзишга ҳожат йўқ. Челакликлар ўтган қишлоқ хўжалик йилида 18 минг 732 гектар майдонда деҳқончилик қилишган. Унинг 6 минг 500 гектарида пахтачилик билан шуғулланилган. Ҳар гектар пахта майдонидан 24,2 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган. Афсуски ҳар гектар майдонҳосилдорлиги 17,2 центнерданга тўғри келган. Режа шартномаси 71,1 фоизда бажарилмасдан қолган. Агар туманда пахтачилик соҳасида муваффақият қозонилганда 547 миллион 878 минг 131 сўм даромад қилинган бўларди. Давлатга пахта сотишдан тушаётган даромад режалаштирилганидан 165 миллион 53 минг сўм кам. Бир юз олтмиш беш миллион сўм... Оғизда айтишга осон. Туман меҳнат аҳлининг қозони, чўмичи мой бўлмаётгани, деҳқон чўнтаги қуруқ қолаётгани, қишлоқ йўлларининг хароблиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги ана шуларга боғлиқ.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассислари билан учрашганимизда ширкат хўжаликларида ички хўжалик юритиш механизми қонун талаблари даражасида ташкил этилмаган бўлса керак, деган фикрда эдик. Аслида эса...

Балиқ... думидан айнийдими?

Туманнинг «Самарқанд» ширкат хўжалигида ўтган йили 260 гектарга пахта экилган. 57 та оилавий пудратчи звенога ерлар бўлиб берилган. Хўжалик молиялаштириш бўлими томонидан звеноларнинг харажат ва даромадлари белгилаб чиқилган. Чек асосида ишлаш тартиблари тушунтирилган. Ишчи кучи жамоа хўжалиги пайтидагидан 494 кишига қисқартирилибди. Натижа нима бўлган, денг? Мавжуд оилавий звеноларнинг ўн тўрттасигина пахта тайёрлаш режа-шартномасини бажарган. Хўжалик бўйича ҳар гектар майдондан 14 центнердан ҳосил олинган. Оқибатда пахтачиликнинг ўзидан хўжалик 7 миллион сўм кам даромад қилибди.

Ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Мансур Халиловдан қолоқлик сабабларини сўрадик.

- Баҳона деб тушунмасликларингизни сўрардим, - дейди бош ҳосилот. - Ўтган йилнинг 22-23 апрел, 3-4 май кунлари кучли совуқ бўлди. Ғўза ниҳолларини уриб кетди. Чигитни қайта экишга тўғри келди. Белгиланган репродукциядаги уруғлик чигит ололмадик. Пахта кеч пишди, сифатсиз уруғлик чигит яхши ҳосил бермади. Бунинг устига кузга келиб, ғўза қатор ораларига ғалла экиш ҳақида буйруқ олдик. Ғалла экиш пайтида пахта ҳосилининг қарийб беш фоизи тўкиб юборилди. Ғаллани пахта қатор ораларига экилишига қарши эмасман. Қачонки, ҳосилнинг асосий қисми териб олингач экилса, яхши натижа беради. Бироқ кўсаклар очилмай туриб ғалла экиш учун техника киритилдими, машаққат билан етиштирилган ҳосилга зарар етади. Деҳқонга эркинлик берайлик, дейишади. Ернинг нами қочмасдан ширали пайтида майдонни тайёрлашга, экишга «команда» қилинади. Юқоридан буйруқбозлик тугамаяпти.

Ширкат аъзоларининг тили билан айтганда, «дашт зонаси»да 100 гектар майдон бор экан. Айни ғўза вегетацияси пайтида сув насоси бузилган. Ўсимлик икки марта сув ичган. Ғўза шоналари тўкилиб кетган. Суҳбатимизга ана шу «дашт зонаси» бригада бошлиғи Акмал Остонақулов қўшилди.

- Бригадамизда 50 гектарга ғалла, 30 гектарга пахта эккан эдик. Олтита оилавий пахтачилик звеносига битта қатор орасида ишлайдиган трактор ажратилганди. Эҳтиёт қисмлар етишмади. Сув насоси дезил ёнилғиси билан ишлайди. У бузилиб қолиб ғўзалар керакли даражада суғорилмади. Дезил ёнилғисининг нархини эшитсангиз, лабингизга учуқ тошади. Сарф-харажати осмонда. Агар сув насосини электр-энергияси билан ишлайдиган қилмоқчи бўлсак, электр трансформаторга пулни қаердан топамиз? Оилавий звено бўлиб, ерни ижарага олдингми, кунингни ўзинг кўр. Бунинг учун звеноларда пул бўлиши керак. Ўтган йил давомида пудратчиларга уч марта 200-300 сўмдан аванс берилди. Ўтган йил-ку меҳнатга рағбатсиз йил якун топди. Бригадамдаги ўнта ғаллачилик звеноси беш ойдан буён бир сўм ҳам иш ҳақи олган эмас. Экиш бошланаяпти. Тракторимизнинг битта ғилдираги йўқ. Қаердан, кимдан, қандай қилиб оламиз. Бошим қотган.

Суҳбатимизга гувоҳ бўлиб турган ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Қодир Уролов билан иқтисодчи Шобиддин Халиловларга юзланамиз.

- Пул юқоридан мақсадли келадиган бўлиб қолди, - дейди Қ.Уролов қўли билан тепага ишора қилиб. - Хўжалик ихтиёрига пул берилмайди. «Нефт маҳсулотларига, кимёвий ўғитга» тарзида пул юқоридан тақсимот қилинади. Шунинг оқибатида режа-шартномасини бажарган звенолар ҳам пул ололмаяпти, - дейишди улар. Хўш, хулосани ўзингиз чиқаринг: балиқ бошидан айнийдими, думидан?

Тушкунлик, ишончсизлик

«Самарқанд» ширкат хўжалигига нисбатан Навоий номли ширкат хўжалиги салкам икки баробар зиёд 450 гектар майдонга пахта эккан. Хўжаликда 210 та оилавий пудратчилар билан шартнома тузилган. Уларнинг 71 таси йиллик шартнома режасини бажарган. Хўжалик йилни пахтачиликдан 7 миллион 746 минг сўм кам даромад олиш билан якунланган. Бош ҳисобчи Сулаймон Мусаев билан суҳбатлашамиз.

- Қийин бўлиб қолди, - деди С.Мусаев ўйчан оҳангда. - Деҳқонга ер берилган. Қўлида чек. Ишлайди, аммо моддий рағбат кўрмайди. Бу бизга боғлиқ эмас. Пул юқоридагиларнинг мақсадли тақсимотига қараб қолган. Юқоридан топшириқ келаверади, биз мутахассислар деҳқонга етказаверамиз. Моддий жиҳатдан манфаатдор бўлмагач, елкаси тиришиб, энсаси қотади деҳқоннинг. Қўли ишга бормайди. Кайфияти тушкун. 139 та оилавий звенонинг режа-шартномаларни бажармаганликларининг бир томони шунга тақалади.

Айрим мулоҳазаларим бор. Ерни уч-беш йилга эмас, ўн беш-йигирма йилга, керак бўлса, нотариал идораси орқали ҳужжатлаштириб бериш керак. Даланинг бошига ер кимга қарашли эканлигини тахтачага ёзиб қўйилса одамлар масъулият сезади. Баҳслашиб ишлайди. Ер ўзиники эканлигига, қарилик нафақасига чиқса, фарзандларига ўтишига ишонч ҳосил қилади. Кўп меҳнат сарфлайди. Бу билан одамларнинг қимматли вақтини тежаган, қоғозбозликдан қутилган бўламиз. Яна бир мулоҳаза. Ширкатга ўтгач, бизда 690 нафар аъзо қисқарди. Уларни иш билан таъминлаш керак. Хўжалигимиз марказида умумий баҳоси беш миллион сўмлик иморат бўш турибди. Қани маблағ бўлса-ю, масалан, хотин-қизлар учун тикувчилик фабрикаси очсак. Бунга туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими беш-ўн йил муддатга имтиёзли кредит ажратса...

«Оққуш, Чўртанбалиқ ва Қисқичбақа ҳақида эртак»

Туманда бўлган кунимиз хўжалик бошқаруви раислари билан учрашолмадик. Вилоятдаги хўжалик раислари Самарқанд шаҳрида бир ҳафталик ўқишда экан. Юртбошимиз «Биз қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қила олмаймиз» деган эди. Уловидан тушови қиммат сув насоси, зах босиб шўрлаб кетаётган далалар ҳақида раҳбарлардан жавоб эшитиш имкони бўлмади.

Аммо шуниси аниқ бўлдики, деҳқон ўз ерининг шароитини яхши билади. Туман шимолий ҳудудда жойлашган. Жанубий туман далалари билан тенглаштириб бўлмайди. Пахтаси йигирма-йигирма беш кун кеч пишади.

Биз икки хўжаликда «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг пахтачилик соҳасида бажарилмаслик сабабларини таҳлил қилиб, ортга қайтарканмиз, А.Крилловнинг «Оққуш, Чўртанбалиқ ва Қисқичбақа ҳақида эртак» асари ҳеч хаёлимиздан нари кетмади. Оққуш осмонга, Чўртанбалиқ сувга, Қисқичбақа аравани қуруқликка тортаверади, тортаверади. Ҳарчанд уринишмасин арава жойидан қимирламайди. Қиссадан ҳисса туманда қишлоқ хўжалиги ислоҳоти эртакдаги аравадек бир жойдан силжимай турибди.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан муаммоларни биргаликда ҳал этмас экан одамларда қишлоқ хўжалиги ислоҳотига ишончсизлик, умидсизлик йўқолмайди. Деҳқон ҳайрон, кўнгли вайрон бўлиб қолаверади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ОТАЖОН

Ҳуқуқшунос илҳоми

Муқаддас юртимнинг қучоғида сиз,
Элнинг эъзозию ардоғида сиз,
Кўз каби суюкли қароғида сиз,
Бахтимга бор бўлинг, азиз отажон.

Ҳалоллик ва поклик касбингиз экан,
Адолат деб яшаш аслингиз экан.
Сизни бир кўрганлар чин инсон деган,
Тахтимга бор бўлинг, азиз отажон.

Умр ўтказдингиз янгилик бирлан,
Тарихда қолгайсиз яхшилик бирлан.
Доим дуодамиз элу юрт бирлан:
Оллоҳим асрасин, сизни отажон.

Шоирлар шеър ёзди борича имкон,
Эл учун, юрт учун куйдиргансиз жон,
Ёшларга ҳам сирдош, ҳам азиз инсон,
Мудом омон бўлинг, азиз отажон.

Жаҳоннинг боғида битта баҳор сиз,
Настарин юзини ювган наҳор сиз.
Фотима куйлаган мингта ашъор сиз,
Юртга баҳор бўлинг, азиз отажон.

Бахтимга бор бўлинг, азиз отажон.

Фотима САЙИДОВА

Биз томонларга баҳор қишнинг эриётган қорларига эргашиб, тоғларга отланади. Шу сабаб баҳорнинг илк ўлани бўлмиш қоқигулни хуш кўраман ва биринчилар қатори уни топиш баҳонасида Дарвозақумга отланаман. Чунки баҳор чўлдан келади-да. Қишлоғимнинг чўл томондан Кофурун қишлоғига боришдаги Дарвозақумда қоқигул бойчечакка бўйлашиб, қаҳратон қаҳридан ниш уради. Аммо бойчечакка нисбатан совуққа бардоши камроқ. Бу ерда янтоқлар кўп. Янтоқ таги эса шамолпана. Тиканлар ичидан қоқигулни изладим. Бор экан. Бечора баҳор-изғирин кечаларидан бошпана излаб, шу ердан макон топибди-да! Ана ям-яшил барглар ёзибди. Янтоқ эса унга бошпана-қароргоҳдир. Чунки мол еёлмайди.

Шу пайт Қизилтепаликка чиққан ўғлимнинг «Адажон, ипор чиқибди. Мана, ипор топдим» дея дунёни бошига кўтарган шодон овози Қизилдараларга урилиб янгради. Мен ҳам ҳовлиқиб ўша томон чопдим. Э, ана ипор, яна битта, яна ва яна... Эндигина уч баргни ёзган ипорни ковлаб олиб, кўзларимга суртдим. Берган умрингга шукур. Ипорни ҳидладим. Унинг хушбўй ҳидлари димоғимга урилди. Энажон, сенга насиб этмаган Наврўз келди, Наврўз дея нидолар қилдим...

Собир ЁДИКОВ,
Бойсун тумани

Ифтихор

ИПОРНИНГ ХУШБЎЙ ҲИДЛАРИ

«Навоийдон-маҳсулот» ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан муборакбод этади!

АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН АЙЁМ БУ...

Баҳор, бунча чиройингга шайдо қилибсан,
Йўқдан ажиб мўъжизалар пайдо қилибсан.
Ҳар юракда ишқ ўтини барпо қилибсан,
Дуога қўл очаётир муштипар онам -
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Аждодларим қутлаб ўтган азиз айём бу,
Ҳур Истиқлол қайтиб берган буюк инъом бу,
Умрим бўйи шарафласам мангу илҳом бу,
То ҳаётман мадҳинг ёзиб куйлайин мен ҳам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Ирмоқларда шилдир-шилдир сувлар оққайдир,
Бобо қуёш ўрикларда чақмоқ чаққайдир,
Бинафшанинг атри билан тонглар отгайдир,
Еру кўкни гулга ўраб яшнатар кўклам -
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Авжи кўклам рақсга тушар ҳислар туғёни,
Наволарга тўлиб кетар юртнинг ҳар ёни,
Шундай кунга етганларнинг йўқдир армони,
Олам-олам орзуларга йўлдошсан бу дам -
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Тонгда туриб майсаларнинг умрин тилайман,
Бойчечакка сирдош бўлиб кўнгил сўрайман.
Қалдирғочнинг парвозига парвоз улайман,-
Кўзларида ҳайрат тўла югурар болам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Бу кун тошқин дарё бўлиб денгизга етдим,
Ўрикнинг оқ гулларидай очилиб кетдим,
Ўзбекистон баҳорига қўшиқлар битдим,-
Илҳом бериб менга ўзинг тутқазding қалам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА

Бу ажиб дунё

ҚУЛФ ЎРНИГА... МАҒЗАВА

Нижегород вилоятидаги Киселиха қишлоғилик бир «тадбиркор» эшикни қулфламасликнинг ажойиб йўлини топди.

Икки тажрибали ўғри анчадан бери бу уйни кўз остига олиб юрарди. Қулай пайти келганда эшикка яқинлашиб қарашса, эгаси шундай хат қолдирган экан: «Муҳтарам ўғрилар, қулфни бузиб юрмай, дастакни бузсангиз бас».

Ўғрилар шундай қилишди. Аммо эшик очилиш ўрнига, устиларига бир челак мағзава тўкилиб, шалобболари чиққанича, қочиб қолишди.

ЕНГ, ОШ БЎЛСИН!

Троллейбусда юз берган воқеа ичакузди латифадан ҳам ошиб тушди.

Икки йигит чиройли гулдаста ва «Эртак» тортини олиб, чамаси зиёфатга боришарди. Навбатдаги бекатда яна бир аёл торт кўтариб, троллейбусга чиқди. Аммо унинг торти ажойиб «Қуш сути» эди. Аёл тортини ўриндиққа қўйиб, чипта олгунча, ҳалиги йигитлар ўз «Эртак»ларини «Қуш сути»га алмаштириб, жуфтакни ростлаб қолишди.

Аёл юз берган воқеани англагач, «Маркиз, Маркиз» дея йигига тушди. Йўловчилар уни аранг овутганларида маълум бўлдики, «Қуш сути»нинг чиройли қутисида торт эмас, Маркиз лақабли мушукнинг ўлиги бўлиб, эгаси кўмгани олиб кетаётган экан.

...Ҳалиги «чаққон» йигитларнинг зиёфатга бориб, ўз совғаларини тортиқ этган пайтларида қандай аҳволга тушишларини тасаввур қилиш қийин.

ОАВ асосида Т. ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

Ҳар бир инсоннинг таваллуд топган куни, ойида ўзига хос маъно, мазмун бўлади. Мунажжимлар гўдакка исм беришда, унинг келажагидан башорат қилишда айни таваллуд санасидан - дунёга кўз очган ой, кунлари, юлдузларнинг ўша пайтда қандай жойлашганидан келиб чиққанлар...

Фасллар ичида энг нафосатлиси баҳорда туғилганлар, айниқса, Наврўз айёмида таваллуд топган инсонлар ўз тақдирларидан нолишмаса керак. Табиат уйғонган, дов-дарахтлар яшилликка буркана бошлаган айни кунлар янгидан яралиш ва яратишга азму қарор қилган кишиларнинг қалбини ўзгача сурур билан тўлғизади. Ўлкамизда Наврўз шодиёнаси кезаётган шу кунларда халқимизнинг севимли адиби Шукур Холмирзаев ўзининг 60 йиллик ёшини қаршилаб турибди ва бу сана унинг минг-минглаб мухлислари қалбини заҳматкаш қалам соҳибига нисбатан миннатдорчилик ҳисси билан тўлдирган.

Шукур Холмирзаев адабиётимизни ростгўй асарлари билан бойитди, китобхонларда адолат, ҳақиқат тантанасига эътиқод-ишонч туйғусини тарбиялади, маҳалоллик бобида ўзбек китобхонларининг бир неча авлодига ўзига хос сабоқ берди. Инсоннинг жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топиши, миллат эрки ва қадр-қиммати, Ватан қадри ва Инсон оламининг турфа табиати талқини, тасвири адиб ижодида етакчилик қилди. Ва мазкур мавзуларнинг ҳаққоний акси, шубҳасиз, ёзувчининг ватандошлар қалбида ростгўйликка, поклик ва миллатпарварликка эътиқод туйғуларини тарбиялаб, қиғирлик, жиноятчилик, қонунга ҳурматсизлик, адолатга беписанд қарашдек иллатлардан нафратланиш ҳиссини шакллантирди...

Наврўзи олам шодиёналари бошланган шу кунларда биз - «Ҳаёт ва қонун» журнали ва «Инсон ва қонун» газетаси Бирлашган таҳририяти ходимлари номидан атоқли адибимиз Шукур Холмирзаевни 60 йиллик юбилейи билан қутлаб, заҳматкаш ижодкорга янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Қутлаймиз

НАВРЎЗДАН НУРЛАНГАН ИЖОД

Сирдарё вилоят Сайхунобод туманидаги «Сайхун-Джел» Ўзбекистон-Люксембург қўшма корхонаси иш бошлаганига 2 йил бўлишига қарамасдан, унинг довруғи бутун республикамизга тарқалди. Бу корхона бир кеча-кундузда 1,5 тонна музқаймоқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 7 хил маҳсулот тайёрланиб, Тошкент, Сирдарё шаҳарларига ҳамда қўшни туманларга етказиб берилмоқда.

Туманда, вилоятда Наврўз арафасида ўтказилган «Ташаббус-2000» кўрик-танловида қатнашиб, «Сайхун-Джел» корхонаси жамоаси совринли ўринларни эгаллади.

Суратда: (ўртада) савдо-сотиқ бўлими бошлиғи Рустам Эминов Тожихон Сотволдиева, Умида Бойматовалар билан маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ШИФОБАХШ ЎТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Қишнинг изғирин кунлари ўтиб, баҳорнинг илиқ нафаси сезилиб қолган бўлса-да, нафақат болалар, ҳатто катталарни ҳам нафас йўллари касалликлари безовта қилиб турибди. «Аскам» тиббиёт маркази шифокори Набижон Ирискулов нафас олиш органлари касалликлари келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг асоратлари ҳақида шундай дейди.



«Аскам» маслаҳатлари

Бу касалликнинг келиб чиқиши асосан экологик факторлар, ўткир вирусли касалликлар медикаментоз (дори-дармон)лардан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқади. Нафас олиш вазифасининг бузилиши беморнинг қулоқ оғришига, томоқ, бош оғришига ҳамда оғиз қуришига олиб келса, болаларда бўладиган оденоидлар, полиплар, бурун тўсиғининг қийшиқлиги резанатор функцияси бузилиб, овозда манқалик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бурундан яхши нафас олмаслик натижасида қоннинг хусусияти ўзгариши, юрак фаолиятининг сусайиши, ўпкада ҳаво айланиши, мияда қон айланишининг бузилиши ва бунинг натижасида «кечки энурез» келиб чиқишига сабаб бўлади. Кўпгина ҳолатларда бу касалликларни аниқлашда адашиш бурундан ажралмалар ташқарига эмас, димоғига кетиб, бурун битишига олиб келади.

Касалликнинг бошланишида шифокор томонидан антибиотиклар буюрилади ва бурунга томизиладиган дорилардан фойдаланилади. Агарда касаллик ўтиб кетмаётгани сезилса, ювиш усули орқали тузатилади. Касаллик вақтида даволанмаса, йўтал узоқ давом этиши мумкин. Бурун ёндаш бўшлиқларидаги йириングлар бурун бўшлиқларида сурункали касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Касаллик асорат қолдирмаслиги учун шахсий гигиенага риоя қилиш, гриппдан сақланиш ниқоблари тутиш лозим. Бемор (йўталганда) билан яқиндан гаплашмаслик, танасини совуқ қотишдан сақлаш, оёғини қуруқ тутиш, организмни чиниқтириш, кийимларни мавсумга қараб танлаш лозим. Аксарият ҳолларда беморлар дори-дармонларни шифокор назоратисиз ишлатиши кузатилмоқда. Масалан, вақт давомида нафтизин, галлозалин, адреналин, пенцилин, ёғ томчиларини томизиш натижасида бурунниング ҳимоя вазифаси бузилиб, аллергик касалликлари келиб чиқишига олиб келади. Ҳозирги пайтда касалликнинг олдини олишда шифобахш ўтлардан мойчечак, тиллаилдиз, витаминли йиғилмалар, янтар кислотасидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Суҳбатдош: Юлдуз МИРЗАКАРИМОВА
***
Сурат муаллифи: Шавкат АКРОМОВ

РАССОМ ХАНДАСИ

-Яхши, ҳозирча кўкатли таомлар ейишни тўхтатиб турасиз...



-Айтувдим-ку, бу жудаям-жудаям юмшоқ деб!..

УНУТИЛГАН ТАОМЛАР

Бир вақтлар эндигина кўзи ёриган аёлга кампирлар дарров атала пишириб беришарди. Кўчадан йўталиб келган бола бир коса умоч оши ичиб, ўраниб ётса тузалиб кетарди. Сигирлари сут бера бошлаган хонадонда болалар «ўғиз оши ичамиз» дея қувонишарди. Эндиликда кўпчилик энг тансиқ, энг хуштаъм, киши саломатлиги учун энг фойдали бўлган бундай таомларни пишириш тугул ҳатто номлариниям унутиб юборишган. Ваҳоланки, бундай таомларни тайёрлаш унчалик қийин эмас...

Пазандалик

АТАЛА

Тоғорачага ун солиб, совуқ сув қуйиб, қуюқ-суюқлигини қаймоқдек қилиб аталайсиз. Аталаш вақтида тугунчалар ҳосил бўлмаслигига эътибор беринг. Қозонга қўй ёғи ёки сариёғ солиб қиздириб, пиёзни қовурасиз. Сўнг бир стакан сув қуйиб қайнатинг ва аталанган унни қуйиб капгир билан тез-тез кавлаб пиширасиз, акс ҳолда таом қозонга ёпишиб қуйинди ҳиди келиши мумкин. Қўй ёғида пиширсангиз жиззасини олмайсиз. Сариёғда пиширсангиз уни илгари аталаб олмасдан пиёз билан ёғда қовуриб сўнг сув қуйиб пиширсангиз ҳам бўлади.

Атала учун: ярим кило ун, бир стакан ёғ, 2-3 бош пиёз, таъбга кўра туз солинади.

УМОЧ ОШИ

Сирли тоғорачага ун солиб, ярим стакан намакоб қуйинг ва иккала кафтингиз билан нўхат катталигида тугунчалар ясанг. Тугунчаларни супрага ёйиб, устига ун сепиб олиб қўясиз. Қўй ёғи ва гўштини нўхатдек келадиган қилиб тўғраб қозонда эритасиз ва жиззасини олмасдан гўштни соласиз, сўнг майда тўғралган пиёз солиб қизаргунча қовурасиз. Қозонга сув, туз ва зираворлар солиб қайнатасиз. 7-8 минут ўтгач, умочларни солиб пиширасиз. Тайёр таом дастурхонга қосаларда тортилади.

Умочга: бир пиёда ун, бир парча лаҳм гўшт, ярим стакан ёғ, 2-3 бош пиёз, бир дона қизил қалампир, лавр япроғи ва туз керак.

ЎҒИЗ ОШИ

Думба ёғини доғлаб пиёз солиб қовурасиз. Сўнгра қозонга бироз сув қуйиб, оқшоқ (ёки гуруч) соласиз. Қозондаги овқат қайнаб, оқшоқ пишгач, ўғиз сутини қуясиз. Таом қайнаб ўғиз бурда-бурда бўлиб ивиганда оловдан олиб туз ва озгина седана солиб юборинг. Ўғиз ошини косаларда дастурхонга иссиқлигида тортасиз.

Ўғиз учун: 2 литр ўғиз сути, ярим стакан оқшоқ (ёки гуруч), 50 грамм думбаёғ, 2 бош пиёз, таъбга кўра туз, 1 чой қошиқ седана солинади.

Д. СУЛТОНОВА тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

ЗАЙНИДДИН МЕМАНОВ

Суд, ҳуқуқ, адвокатура ва нотариат идораларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган Зайниддин Меманов 70 ёшида вафот этди.

З.Меманов 1950 йил Тошкент юридик институтини тамомлаб, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри адвокатурасида адвокатликдан иш бошлаганди. 1951 йилдан Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида тафтишчи, 1951 йилдан вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1954 йилдан Наманган вилояти Поп, Норин туманларида адвокатура, нотариат идораларида, 1956 йилдан Наманган вилояти адлия бошқармаси ва вилоят судларида фаолият кўрсатди. 1960 йилдан умрининг охиригача Андижон вилоят судида турли лавозимларда ишлади. 1968-82 йиллари Андижон вилояти суди раисининг ўринбосари, вилоят суди раиси, Андижон ва Асака шаҳар судлари раиси, 1982-94 йиллари вилоят судининг судьяси, 1994 йилдан вилоят судининг маслаҳатчиси бўлиб ишлади.

У қайси вазифада ишламасин, адолат қарор топишига, ўзига топширилган ишни қонун доирасида бажаришга интиларди. З.Меманов ўнлаб ёшларга устозлик қилди. Тажриба, билим ва амалиётни доимо узвий бир-бирига боғлаб олиб боргувчи тажрибали ҳуқуқшунос эди. Адолат фидойиси ҳамкасблари, шогирдлари ва эл-юрт орасида камтарлиги билан беқиёс обрўга эга эди.

Шу жудолик онларида З.Мемановнинг оила аъзолари, ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик билдириб, сабр-қаноат тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси, бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Гайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-130 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 06141- сон билан рўйхатдан ўтган.